

Амонат



[Ўзбекча -Uzbek - الأوزبكي]

Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Ал-Жибрийн

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿ الأمانة ﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد الله بن عبد الرحمن الجبرين

2009 - 1430

islamhouse.com

Ислом Нури

Маколалар

Омонат

Абдуллох ибн Абдуррахмон ал-Жибрин

Аллох субханаху ва таъолога хамду санолар айтамыз, ундан бизни магфират килишини сўраймиз. Гувоҳлик бераманки Аллохдан ўзга илох йўқ, У ёлғиз ва шериксиз зотдир. Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам унинг кули ва элчисидир. У кишига, ахли ва асхобларига Аллохнинг раҳмати ва саломи бўлсин.

Аммо баъд:

Албатта омонат хақида сўзлашлик катта аҳамиятга эга. Чунки у бир томондан Аллох ва банда ўртасидаги нарсага, иккинчи томондан банда билан банда ўртасидаги нарсага алоқадор. Мазкур омонатни адо этишда бандага мадад берадиган сабабларни баён этамыз. Аллохдан амалларимизни холис ўзининг юзи учун килишини сўраймиз.

О М О Н А Т деганда нимани тушунилади.

Умуман омонат дейилганда ибодат кўзда тутилади. Буни Аллох субханаху ва таъоло куйидаги ояти каримада марҳамат қилган;

«Албатта Биз бу омонатни (яъни шариати исломиядаги тоат-ибодатларни) осмонларга, ерга ва тоғу-тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўркдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у (ўзига) зулм қилувчи ва нодон эди.» Ахзоб:72.

Аллох ушбу омонатни ўзининг энг улкан махлуқотларига; кенг осмонларга, улкан Ерга ва улугвор азамат тоғларга кўндаланг қилди. Улар бу омонатни зиммаларига олмадилар. Ваҳоланки бу махлуқотлар Аллох амри каршисида бўйин эгадилар, ўзларига юкланган нарсдан бўйин товламайдилар. Аллох субханаху ва таъоло бу махлуқотларнинг ўз парвардигорларига мутеъ ва буюрилган ишларида итоаткор мусаххар эканларини айтган;

«Сўнгра тутун холидаги осмонга юзланиб, унга ва Ерга «(Менинг амри-фармонимга) ихтиёран ёки мажбуран келинглар!» деган эди, улар : «ўз ихтиёримиз билан келдик» дедилар.» Фуссилат:11.

Демак, еру-осмонлар ўз парвардигорига тўлик таслим бўлган ва улар нимага буюрилсалар, жомид (хаётсиз, жонсиз) махлуқот бўлсалар-да умуман итоатдан ташқари чикмайдилар. Аллох амрини Унинг хошиш-иродасига мувофиқ равишда барча нарсада адо қилишади. Агар Аллох уларга ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни буюрадиган бўлса ҳеч тўхталмасдан итоат этадилар. Улар Аллох амрига ҳамиша бўйсинувчидилар.

«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши факатгина «Бўл» демоклигидир.» Ёсин:82.

Аллох еру-осмонларни ва бошқа бутун мавжудотга идрок ва маърифат билиш қувватини берди. Улар нимага буюрилганларини хис қиладилар. Агар амр этилса, саждага бош қўядилар, Аллох субханаху ва таъолога тасбех айтадилар.

«Етти осмон, ер ва улардаги бор мавжудот (Аллохни) поклар.» Ал-Исро:44.

«(Эй Мухаммад), сиз осмонлардаги ва ердаги бор мавжудот, куёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўпдан-кўп инсонлар (Ёлғиз) Аллохга сажда килишини кўрмадингизми.» Хаж:18.

Еру-осмонлардаги барча нарсалар; тоғлар, дарахтлар, юлдузлар, жонзотлар ва бошка жамодот (жонсиз нарса) лар Аллохга сажда килади. Аллох уларга ўзларига муносиб хис-туйғу ва идрокни яратган. Улар ҳам сажда киладилар, кўркадилар.

«... Зеро шундай тошлар борки, улардан дарёлар отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб, ичидан сув чиқади, яна шундайлари борки Аллохдан кўрканидан пастга кулайди. ...» Бакара:74.

Тоғлар ҳам Аллох таъолодан кўркиб туради. Ояти каримада;

«Агар Биз ушбу Куръонни бирон тоғга нозил қилганимизда, албатта сиз у (тоғ)ни Аллохнинг кўркувидан эгилиб ёрилиб кетган холида кўрган бўлур эдингиз.» Хашр:21.

Тоғлар ва бошка мавжудотлар Аллохдан шунчалик кўркишларига, унга шунчалар итоаткор бўлишларига қарамасдан мазкур омонатни ўз зиммасидан соқит қилдилар. Уни ўзларига оғир деб билдилар ва кўтаришдан бош тортдилар. Инсон ўзининг заифлигига қарамасдан уни ўз зиммасига олди!

Энди бу омонатни адо этмоғи шарт. Агарда инсон бу омонатга хиёнат қилса ва бепарво бўлса Аллох хузурида жавоб беради. Омонатни ташлаб қўйгани ва унга хиёнат қилгани учун азобга (мустахик) дучор бўлади. Хўш, энди биз бир-биримизга савол бериб кўрайликчи; Инсон зиммасига олган бу омонат нима ўзи.!

О М О Н А Т – мўминларнинг йўқотган нарсаси.

Аллох бандаларини мўминлар деб номлади. Мўмин мана шу омонатга хиёнат қилмайдиган, унга амал қилмайдиган ва уни махкам ушлайдиган кишидир. Омонат "амнун" яъни омонлик, бежавотирлик ёки иймон деган сўздан олинган. Омонатга хиёнат қилмайдиган киши ёки мў'таман-омонатдор дейилади. У омонатни хақиқий адо этгани учун омонат ва иймон ахлидан деб сифатланади. Аллох субханаху ва таъоло айтади; **«Улар ўзларига ишонилган омонатларга ва (ўзларига) берган ахду-паймонларига риоя қилувчи кишилардир.»** Мўминлар:8.

Бу ерда омонат, банданинг зиммасидаги Аллохнинг ҳақларини ва бандаларнинг ҳақларини ҳам ўз ичига олади. Аллох мўминларни "риоя қилувчилар" яъни омонатни хақиқий адо этувчилар деб сифатлади. Агар улар мана шу сифатга эга бўлсалар, Аллох ўзининг қуйидаги оятида зикр қилган нажот топувчи бандалардан бўладилар.

«Дарҳақиқат мўминлар нажот топдилар.» Мўминлар:1.

Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам бу омонатни адо қилиши керак. Чунки, у Аллох буюрган ҳақлардандир. Омонат қуйидаги оятда зикр этилган ахд-паймондир;

«Улар ўзларига ишонилган омонатларга ва (ўзгаларга) берган ахду-паймонларига риоя қилувчи кишилардир.» Мўминлар:8.

Бу ахду-паймонларга инсоннинг Роббиси билан қилган аҳди ҳам, ўзга инсонлар билан қилган ахд-паймонлари ҳам кириб кетади. Аллох таъоло аҳдни қуйидаги сўзи билан янада таъкидлик қилган;

«Албатта, ахд-паймон (қиёмат куни) у ҳақда сўроққа тутиладиган ишдир.»

Яъни унинг вафоси ҳақида сўралади. Лекин, ахдларнинг энг муҳими Аллохга берилган ахддир.

«Ахд-паймон берган вақтларингизда, Аллохга берган аҳдингизга вафо килингиз!» Нахл:91.

Инсонларнинг зиммасига юклатилган энг улуг омонат бу Аллохга берилган ахддир. Хақиқий мўмин барча ҳолатда ушбу омонатга риоя қилади. Аммо иймони заиф кишиларни бу омонатга енгил-елпи қараётганини, уни тўла адо қилмаётганини кўрасиз. Бу аслида банданинг иймонидаги нуқсон-камчиликдир. Аллохнинг ҳам, инсонларнинг ҳам ҳақларига омонатдор бўлган, унга ҳақиқатан ич-ичидан боғланган ва қандай лозим бўлса худди шундай бу омонатни адо қилган ишончли, муслим киши бўлгани учун Аллох бандасини мўмин деб атади. Мана шу одам мўмин ва аминдир.

Инсон ва Парвардигор ўртасидаги Омонат

Омонат Аллох таъоло бизга юклаган шариат (қонун) лардир. Бу буюк (мажбурият) на қадар оғир! Мана шу омонатни биз қачонки ҳақиқий адо қилсак ажр ва улуг савобларга етишмоғимизни билган вақтимизда бу ишга қиришмоғимиз лозим, шарт. Омонатни адо қилишда орқага суриш, дангасалик қилиш мумкин эмас.

Ана шу ибодатлар, қонунлар омонатдир. Ҳар бир инсон ўзи билан Парвардигори ўртасида мазкур ҳуқуқларга омонатдордир. Уни ёлғиз роббисигина билади. Мазкур ибодатларни сизга омонат қилиб топширган Парвардигорингиздан ўзга ҳеч ким қузатиб турмайди. Сиз таҳорат ва намозга омонатдорсиз. Зикрларга ҳамда намоздаги қироатларга омонатдорсиз. Сиз рўзага омонатдорсиз. Молиявий ҳақлар, закот ва қаффоротларга омонатдорсиз. Аллох сизга ҳаром қилган маъсиятлардан четланиш ва гуноҳларни тарк этишга омонатдорсиз. Буларнинг барчаси сизнинг қалбингизга, эътиқодингизга ташлаб қўйилган. Уни тўқис адо қилган-қилмаганингизни Аллохдан ўзга ҳеч ким билмайди. Лекин, сиз ич-ичингизда Роббингиздан ҳеч нарса махфий қолмаслигини билиб турасиз.

Агар сиз таҳоратсиз намоз ўқисангиз ҳам ҳеч ким сезмайди. Лекин, Аллох сизни кўриб туради. Таҳорат сиз ва Парвардигорингиз ўртасидаги омонатдир. Сиз намоз учун саф олинг. Одамлар билан эгилиб тураверинг-да, тасбех айтманг, қироат қилманг, зикрларни адо этманг, махфий ўқиладиган намоз вожиботлари ва рукнларининг бирортасини бажарманг. Сизнинг бу ишингизни бирор киши сезмаса ҳам Аллох таъоло билиб туради. Намоздаги зикрлар сиз ва Парвардигорингиз ўртасидаги омонатдир.

Агар сиз рамазонда яширинча бирор нарса еб олсангиз ҳам ҳеч ким сезмаслиги мумкин. Чунки, одамлар сизни доим қузатиб юришмайди. Лекин, Аллох барча ҳаракатингизни кўриб туради. Рўза ҳам сиз ва Парвардигорингиз ўртасидаги омонатдир.

Аллох фарз қилган закот ва шу қаби ҳақларда хиёнатга қўл урсангиз ҳам, махфий-яширилган молингиз закотини бермасангиз ҳам Роббингиздан ўзга ҳеч ким сезмайди. Кишилар фақат зохирни (қўриниб тургани) биладилар, ҳолос. Закот ҳам сиз ва парвардигорингиз ўртасидаги молиявий омонатдир. Шунингдек хилватда маъсияту гуноҳлар ичига гарк бўлсангиз ҳам Аллохдан ўзга ҳеч ким билмайди. Масалан сиз кишилар ҳаққини еб қетганингизда ҳам бирор киши сезмайди. Агар сиз ичингизда шак-шубҳа, ширк, қуфр ёки бирор васвасани саклаб юрган бўлсангиз ҳам бу Аллох билан сизнинг ўртангиздаги нарса. Одамлар буни фақат ўзингиз айтсангизгина биладилар. Аллох сизни мана шунга ҳам омонатдор қилди.

Демак омонат, Аллох инсонларга фарз қилган барча ибодатларни ўз ичига олар экан. Биз юқорида фақат баъзи мисолларни келтирдик, ҳолос. Уларни

тўлик санаб ўтганимиз йўк. Амалларда холислик бўлиши омонатдир. Бу эса банда риоя қилиши зарур бўлган энг муҳим омонатлардан, масалан: Агар биров намоз, ҳаж, жиход ёки амри-маъруф нахий мункар қилмокчи бўлса ва буни одамлар кўз ўнгида қилиб юрса у амалларининг зоҳирига қараб макталади. Кишилар уни солих амаллар қилганлиги учун яхши-солих киши деб биладилар. Лекин у ичкарасида шак-шубҳа, риё-сумъа (хўжа кўрсинга қилиш), мадху-сано ёки бошқа шу каби нарсалар умидида бу амалларни қиладиган бўлса, унинг бутун амали ботил. Буни ҳам ёлғиз Парвардигоридан бошқа ҳеч ким билмайди.

Холислик омонатдир. Уни риё-хўжа кўрсинга қилиш бузади. Шунингдек ибодат ўз вақтидан кечиктирилиши ёки шартларининг бузилиши билан ботил бўлади. Инсонлар ўзлари ва Аллоҳ ўртасидаги нарсада Унинг риоясини қилишлари, Ундан кўркишлари учун Аллоҳ таъоло бандаларига уларни доим кўриб-билиб туришини эслатди. Гарчи инсон холи қолса-да, бирон лаҳза ҳам Парвардигоридан гойиб-яширин бўла олмаслигини ҳис қилади. Шунинг учун Аллоҳ таъоло инсонга уни кўриб-билиб туришини таъкидлаш услубида эслатди:

(الَّذِي يَرَاكَ حِينَ تَقُومُ * وَتَقْلُبُكَ فِي السَّاجِدِينَ * إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ) (الشعراء:

(۲۲۰-۲۱۸)

«У сизни ўзингиз (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилувчилар (намоз ўқувчилар) орасида (имом бўлган холингизда намоз рукнларини биридан иккинчисига) кўчаётган (вақтингизда ҳам) кўриб турар.

Шак-шубҳасиз У эшитгувчи, билгувчи зотдир». Шуаро: 218-220.

Гўё у инсонга айтмоқда-ки: Эй бандам! Сен ўзинг ва Парвардигоринг ўртасидаги нарсаларда мазкур ҳақларни адо қилишга маъмур-буюрилгансан. Сен ёлғиз Аллоҳдан кўрқкин. Хилватда ҳам ўзингни ёлғиз деб ҳисоблама. Сен Парвардигоринг назарида турибсан. Албатта роббинг сиру ошкор ишларингни билгувчи Зотдир.

(وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَنَعَلْمُ مَا تُوسْوِسُ بِهِ نَفْسُهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ)

(ق:۱۶)

«Аниқки, инсонни Биз яратганмиз, (демак) унинг нафси васваса қиладиган (яъни кўнглидан ўтадиган барча) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқдирмиз.» (Коф:16)

Инсон кўнгли нималарни васваса қилишини, калбидан кечган нарсаларни тили чиқарган сўзларни Аллоҳ таъоло билади. Роббингиздан ҳеч бир сир махфий қолмайди.

Яратган зотнинг жуда яқинлигини, Унинг барча нарсаларни кўриб-билиб туришини ҳис қилган инсонни худди мана шу туйғуси Роббиси унга омонат қўйган ҳақларини адо этишга ундайди. У ёлғиз Аллоҳдан кўркади. Бандаларнинг ҳеч биридан кўркмайди.

Аммо агар бунинг акси бўладиган бўлса, у омонатни Аллоҳ учун эмас одамлар учун адо этган бўлади.

Омонатни адо қилишликда инсон доимо Роббисидан кўркиб турмоғи керак. Зеро, бу омонатни унга юклаган ҳам ва шу хусусда уни ҳисоб-китоб қилиб ажру-савоб берадиган ҳам ёлғиз Аллоҳ эканлигини у яхши билади.

(أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ) (الملک: ۱۴)

«(Ахир) **яратган зот** (ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) **билмасми.! У меҳрибон ва** (хар нарсадан) **хабардор зотдир.**» (Мулк: 14).

Аллох қандай қилиб ўзи яратган инсонни билмасин.! Унинг аъзоларини жойлаштирган, унга қалб ато этган ва мана шу васвасаларни юборган зот ахир Унинг ўзи-ку! Қандай қилиб уни билмасин! Аллох барча нарсани, энг махфий сирларни ҳам билгувчи Зотдир!

(فَيَأْتِيهِ يَوْمَئِذٍ السَّرَّ وَالْأَخْفَى) (طه: ٧)

«**Зеро У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур!**» (Тоха:7)

Мазкур далиллар инсонни елкасидаги омонатни адо этишга мажбур қилади. Аллох таъоло бандасини доим кўриб-билиб туришини унинг ўзига жуда кўп эслатди:

(وَمَا تَكُونُ فِي شَأْنٍ وَمَا تَتْلُو مِنْهُ مِنْ قُرْآنٍ وَلَا تَعْمَلُونَ مِنْ عَمَلٍ إِلَّا كُنَّا عَلَيْكُمْ شُهُودًا إِذْ تُفِيضُونَ فِيهِ وَمَا يَعْزُبُ عَنْ رَبِّكَ مِنْ مِثْقَالِ ذَرَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَلَا أَصْغَرَ مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرَ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ) (يونس: ٦١)

«(Эй Мухаммад) **сиз қандай иш** (билан) **машгул бўлманг ва у** (иш) **хақида Куръондан бирон оят ўқиманг,** (эй инсонлар) **сизлар қандай амални қилманглар,** албатта **Биз сизларнинг устингизда гувоҳ бўлурмиз!**» Юнус:61.

(قَالَ لَا تَخَافَا إِنِّي مَعَكُمْ أَسْمَعُ وَأَرَى) (طه: ٤٦)

«**Шак-шубҳасиз Мен сизлар билан биргаман,** эшитиб-кўриб **турурман!**» Тоха:46.

Инсон Аллохнинг ўзига яқинлигини, биргалигини эсга олиши уни Аллохнинг юзини мақсад қилиб сиру-ошкор ишларда, кишилар биладиган ёки билмайдиган нарсаларни хақиқий адо этишга ундайди.

Аллох таъоло бандасига киромул-котибинларни ҳам бириктириб қўйган. Улар малоикалардир. Аллох таъоло айтади:

(مَا يَلْفِظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ) (ق: ١٨)

«**У бирон сўзни талаффуз қилмас магар** (талаффуз қилса) **унинг олдида хозир нозир бўлган кузатувчи** (фаришта у сўзни ёзиб олур).» (Коф: 18).

Улар инсоннинг ҳар бир ҳаракати сўзи ва феълини ёзиб борувчи икки фариштадир. Аллох таъоло уларга хатто қалб амалини ҳам билдирди. Чунки қалбнинг ҳам ҳеч қим билмайдиган амаллари бордир. Кишининг қалбида нима борлигини, ихлосми, ширкми, ҳасадми ёки Муслмонларга мухаббатми буларни Аллохдан ўзга ҳеч қим била олмайди. Қалб амаллари омонатдир.

Аллох таъоло малоикаларни қалб амалларини ҳам билувчи қилди.

(وَإِنْ عَلَيْكُمْ لِحَافِظِينَ * كِرَامًا كَاتِبِينَ * يَعْلَمُونَ مَا تَعْمَلُونَ) (الانفطار: ١٢)

«**Холбуки, шак-шубҳасиз сизларнинг устингизда** (қилган ҳар-бир амалингизни) **ёд олиб, ёзиб турувчи улуг** (фаришта)лар бордир. **Улар сизлар қилаётган амалларни билурлар.**» (Инфитор:10-12.)

"Амал" деган сўзи бу ерда бадан амалини ҳам қалб амалини ҳам ўз ичига олади. Банда ўзи билан роббиси ўртасидаги ишларида ҳам ўзи билан ўзгалар ўртасидаги ишларида ҳам омонатга риоя қилиши керак.

Инсоннинг ўзи ва ўзгалар ўртасидаги нарсалардаги омонат

Бу омонат хоҳ мол хоҳ бошқа нарса бўлсин инсонларнинг сизга топширган нарсаларини ва уларнинг ҳақларига риоя қилишни ўз ичига олади. Машхур ҳадисда айтилганидек хиёнат мунофиқликнинг энг катта белгиларидандир. «Мунофиқнинг аломати учта бўлади; сўзласа ёлгон сўзлайди, ваъда берса вафо қилмайди, унга омонат қўйилса хиёнат қилади.» (Бухорий ва Муслим ривояти)

Омонатга хиёнат этишлик мунофиқлик аломатларидандир. Яъни агар унга биров омонат қўйса омонатдорлик қилмайди. Балки, унга омонат қўйилган ҳақларга хиёнат қилади.

(فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا فَلْيُؤَدِّ الَّذِي أُؤْتِمِنَ أَمَانَتَهُ وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ) (البقرة: ٢٨٣)

«Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз омонат қўйилган киши омонатни адо қилсин ва Парвардигори Аллохдан кўрксин!» (Бақара: 283)

Баъзилар сизга ишонгани ва сиз ҳақингизда яхши ўйда бўлгани учун ўз ҳақини бериб кўяётганида гувоҳ чақирмайди, сиздан васика-ишонч коғози олмайди. Бу кишининг ҳақига риоя этишингиз ва унга хиёнат қилиб қўйишдан жуда-жуда эҳтиёт бўлишингиз лозим.

Агар бир киши сизга қарз берса ва у сизга ишонса, гувоҳ чақирмаса, қарзни ёзмаса бу омонатни мазкур оятдаги омонат деб билинг; «Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз» яъни агар унга молини қарз ёки шунга ўхшаш бирон нарсани омонат қўядиган бўлса, омонатдор бу омонатни ўз эгасига саломат етказсин. У қуйидаги оятда ҳам зикр қилинган;

(إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا) (النساء: ٥٨)

«Албатта Аллох сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга буюради.» (Нисо: 58)

Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида шундай ривоят қилинади: Пайгамбар саллоллоху алайҳи ва саллам Каъба қалитини Усмон ибн Талхадан олганларида нозил этилган. Каъбанинг хижобати (каъба пўшини янгилаб туриш) Бани Абдуд-дор қўлида эди. Усмон ибн Талха мана шу қабиладан эди. Макка фатх этилганида пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи ва саллам Усмондан қалитни талаб қилдилар. Усмон «омонатгами» деганида расулуллох саллоллоху алайҳи ва саллам «ха» деб жавоб бердилар. Қалит расулуллох қўлига ўтгач Аббос уни пайгамбаримиздан ўзига беришларини сўради; «Уни менга беринг. Токи сикоят ҳам садонат (хожиларга сув-овкат бериш) ҳам менда бўлсин.» шунда Аллох юкоридаги ояти қаримани нозил қилди. Чунки, расулуллох саллоллоху алайҳи ва саллам қалитни Бани Абдуд-дордан омонатга олган эдилар. Аллох таъоло бу омонатни эгасига қайтариб беришни буюрди. Чунки, Бани Абдуддор Каъба садонати ва хижобатига бошқалардан кўра ҳақлироқ эди.

Расулуллох саллоллоху алайҳи ва саллам уларга омонатни қайтардилар, оят гарчи мана шу ходисага ҳос тушган бўлсада у барча омонатларга умумийдир. Чунки, хусусий сабаб эмас, лафзнинг умумий эканлиги эътиборга олинади. Ҳар ҳолда инсонлар ўртасидаги нарсаларда омонатлар кўп. Бунга сир-асрорлар, молу давлат ҳам қиради. Агар биров ичидаги сирни ёки ўзи билан ахли орасидаги гапни сизга омонат қилиб айтса ва уни ёйишдан сизни қайтарса, сиз бу сирни умуман ташқарига чиқарманг. Чунки, бу омонат. Халиги киши сизга ишонди, бу сирни ҳеч қачон очмаслигингиздан хоритжам бўлди ва шунинг учун уни сизга омонат қилди, унга хиёнат қилиб қўйманг. Сизнинг омонат қўйган сирингизни очиб юборган кишига сиз ҳам хиёнат билан жавоб берманг. Бу мумкин эмас. Расулуллохдан қуйидаги мазмундаги ҳадис ривоят этилган:

«Сенга омонат кўйганнинг омонатини адо эт, сенга хиёнат қилганга хиёнат қилма». (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари)

Биров сизга молини кўйиб кетади ёки қарз беради-да гувоҳларни чақирмайди, васика тилхат олмайди. Ёки ўзининг ҳақларидан маълум бир хақини сизга бериб уни сақлаб туришингизни сўрайди. Сиз юқоридаги барча ишларда омонатни ўз эгаларига топширишга буюрилгансиз. Бу сиз ва биродарингиз ўртасидаги омонат. Уни адо этмогингиз вожибдир.

Мол, қарз, обрў ёки шунга ўхшаш нарсаларда сизга хиёнат қилиб кетган кишини сиз ҳам унга хиёнат қилиш билан жазоламанг. Балки, кечириб юборинг Аллоҳ сизни гўзал мукофотлар билан тақдирлайди. Сизни афв этади. Хиёнатни эса агар қасддан-атайлаб қилган бўлса хиёнати учун жазолайди. У сизнинг бу муомалангизни кўриб надомат чекиши мумкин. Ахир у сизга хиёнат қилганди-ку! Сизнинг бу муомалангиз унинг афсус-надоматлар қилиб келгусида омонатни адо этишдек гўзал хулқ билан хулқланишига сабаб бўлиб қолади.

Инсонларнинг ҳақлари

Инсонларнинг ҳақлари; моллари, сирлари, обрў-эътиборлари ва шунга ўхшаш нарсалари учун албатта жавоб берилади. Аллоҳ ҳузурида шак-шубҳасиз бу нарсалар ҳақида савол – жавоб бўлади. Шунинг учун ҳам пайгамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг ҳақлари ҳақида шундай дедилар: «Киёмат куни ҳақлар албатта ўз эгаларига топширилади. Хатто шохли кўчқордан шохсиз кўчқорга қасос олиб берилади.» (Имом Муслим ривояти)

Бу инсонларнинг бир-бирлари ўртасидаги ҳақларини ҳам ўз ичига олиши шубҳасиздир. Ким бирон нарса олган ёки бировга зулм қилган бўлса бу ҳақлар учун албатта қасос олинур. Шунинг учун ҳам пайгамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам асхобларидан «Муфлис (ифлос) қимлигини биласизларми?» - деб сўрадилар. Муфлис на дирхами ва на бирор нарсаси бор бўлмаган кишига айтилади – дедилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Менинг умматимдаги муфлис қиёмат куни намози, рўзаси ва зокоти билан келади. Лекин у бу одамни сўққан, унисига тухмат қилган, бировнинг молини еган, бошқасининг қонини тўққан яна қимнидир урган бўлади. Халиги кишининг яхшиликларидан уларга олиб берилади. Агар яхшиликлари тўлашга етмай қолса уларнинг хатоларидан олиб бунга юкланади. Сўнг уни дўзахга ташланади.» (Имом Муслим ривояти)

Бу бировларнинг ҳақларига хиёнат қилган кишининг ҳолидир. Қиёмат кунида унинг амаллари тоғлардек бўлса ҳам, бутунлай ҳеч нарсасиз бўлиб қолади. Қимқи хиёнат қилган бўлса унинг яхши амаллари ҳақ эгаларига бўлиб берилади. Ўзига берилган ҳақлар ва омонатларга хиёнат қилган киши қиёмат куни уларни шу тарзда тўлайди. Бу омонатлар қийим-кечак, идиш-товок каби нарсаларда бўлиши ёки муомалот турлари ҳисобланган; қарзлар, гаровга қўйилган нарсалар ва ёки бошқа ишониб топширилган омонатлар бўлиши мумкин. Агар омонатларга хиёнат қилдиган бўлса Аллоҳ ҳузурида туриб хиёнатига жавоб беради.

Омонатга хиёнат қилишнинг бир қанча кўринишлари бор:

1. Эгаси ишлатишга руҳсат бермаган нарсани ишлатиш. Масалан: қийими ёки пояфзалини қийиш, уловни, машинасини мишин. Шунингдек эгаси сизга яшашга руҳсат бермаган омонат қўйилган уйда яшаш.
2. Омонатдан тониш.

Бу тўланадиган куни белгиланган омонатларга хиёнат қилиш. Ибн Касир Ахзоб сурасининг 72-оятини тафсирида қуйидаги машхур хадисни Ибн Жарирдан, Абдуллох ибн Масъуддан накл қилади; расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: « Аллох йўлидаги ўлим омонатдан бошқа барча гунохларни-ёки «барча нарсаларни»-каффорот қилади яъни ювиб юборади. Киёмат куни омонат кўйилган киши олиб келинади «омонатингни бер-адо қил, дейилади. У – эй роббим, ахир қандай қилиб бераман дунё тугади-ку.» - дейди. Унга яна «омонатингни адо қил» - дейилади. У яна – эй роббим, ахир қандай қилиб бераман дунё тугади-ку.» - дейди. Унга яна «омонатингни адо қил» - дейилади. У яна – эй роббим, ахир қандай қилиб бераман дунё тугади-ку.» - дейди. Сўнгра айтади: «Уни онаси Ха-а-вия (Дўзах)га олиб боринглар. У онаси Ховияга олиб борилади ва унга ташланади. Хатто дўзахнинг қаъригача тушади. У ерда берилган омонатни ўз холича турганлигини топади. Уни олиб елкасига кўйяди ва жаханнам лабигача кўтарилиб келади. У энди чикдим деганида қадами тойилиб кетади ва омонат ортидан абадул-абад тушиб кетади.» айтиб ўтганимиздек инсонларнинг ҳақлари устида албатта ҳисоб-китоб ва касос бўлади. мусулмон киши Киёмат кунда касос таъйин бўлган мана шу ҳуқуқлардан жуда – жуда эҳтиёт бўлмоғи лозим.

3. Бадандаги ёки мол-мулкдаги хиёнатлар.

а) Бадандаги хиёнат.

Бировни қимсасиз жойда уриб, бошини ёриб ёки ўлдириб яна ҳеч нарса кўрмагандек юриш ҳам баданга қилинган хиёнатлардан. Бу йўл ходисаларида кўп учрайди. Йўлда ҳеч қим бўлмаганида ёки кишилар назаридан чет жойда ўз айбини яшириб кетишга уринади. Жароҳатланган ёки ўлдирилган киши ҳаётдги ҳаққидан фойдалана олмайди. Аммо Аллох таъоло барча нарсани билиб туради ва хиёнат қилган кишини қиёматда ҳисоб-китобга рўпара қилади. Жабр кўрган биродарига унинг яхшиликларидан олиб беради. Агар яхшиликлари бўлмаса жабрланган кишининг гунохлари унга қўйилади ва дўзахга ташланади.

б) Ҳақ ва мулклардаги хиёнат:

Шундай кишилар борки, бировдан нарса сотиб олади ёки қарз қўтаради ва буни расмий васикаларга ёзишади. Мабодо мол эгаси ёки қарз берувчи бошига бирон иш тушса; дейлик васикалари ёниб кетса ёки йўқолиб қолса, бу ҳам инкор ва тониб кетишга тайёр бўлиш учун ўзидаги мол олганлиги ҳақидаги васикаларни йўқотишга шошилади. Шу билан ҳақиқатни бутунлай яшираман деб ўйлайди. Лекин Аллох уни кўриб турибди. Қиёматда ундан биродарининг ҳақини тўлиқ қилиб олиб беради.

Агар инсон бу ҳақни унутиб қўйган бўлса, Аллох уни афв этади. Ҳақ эгаси агар ҳаққидан воз кечса кечиб юборгани учун муқофотлар берар эди. Киши ўзига хиёнат қилган муслимга нисбатан ҳам яхши фикрда бўлмоғи унинг хиёнатига хиёнат билан жавоб бермаслиги лозим. Мусулмон киши одамлар билан чиройли муомалада бўлсин. Унга оғир қилганлар юқини у енгил қилсин, афв этсин, кечиб юборсин ёки ундан баъзи нарсаларини енгиллаштирсин. Шояд Аллох ундан кечиб юборса.

Омонатдор бўлишга ёрдам берадиган сабаблар

Инсонни омонатни адо этишга олиб борадиган бир канча сабаблар бор. Уларнинг энг мухим ва катталарини куйида санаб ўтамиз.

1. *Инсон ўзини Аллох яратган эканлигини билмоклиги.* Яралмиш Яратувчининг кули бўлади. У ўзи ва Парвардигори ўртасидаги алоқа ҳақларини адо қилмоғи лозим.
2. *Инсон Аллох таъолонинг унга неъмат ва фазлу марҳаматлар қилувчи зоотлигини ва ўзининг Аллох неъматларига бурканганини билиши-англаб этиши.* Кул Парвардигори томонидан омонат қўйилган ҳақни адо қилишдан бош тортиши мумкин эмас.
3. *Мазкур омонатлар Аллох тарафидан унга фарз қилинганини ва бу фарзларни адо қилиши шартлигини ҳис қилиши.*
4. *Инсоннинг Парвардигори барча нарсани қўриб-билиб турувчи зотлигини, Ундан ҳеч нарса махфий бўлмаслигини ва инсон елкасидаги мазкур омонатлар ҳам шулар жумласидан бўлиб уларни адо этиши шартлигини ҳис этиши.*
5. *Инсон қачон-ки мана шу ҳақни бажарса ва бу омонатларни ҳоҳ махфий бўлсин, ҳоҳ ошқора бўлсин, ҳақиқий адо этса дунё ва охирада улкан ажру-савобга эга бўлишини тушуниб этиши.* Дунёда бериладиган яхшилик; калбининг очилиши хотиржамлиги ва Аллох унинг ризқини кенг –мўл қилиб қўйиши. Охирада бериладиган яхшилик; Ухровий ажр бўлган улкан савоб. Бундан бошқа сабаблар ҳам бор. Лекин биз уларнинг энг муҳимларини санаб ўтдик. Аммо сиз қўриб турган баъзи бир кишилар зиммаларидаги ҳақларини адо қилмасликлари ёки уни чала адо қилишлари, Аллох ҳаром этган чегараларни бузишлари калбларида Аллохни яхши танимаганликлари ёки Аллох неъматларини тўлик ҳис этмаганлари, Аллохнинг Холик ва Молик зотлигини билмаганликлари ёки жазо ва мукофот бераман деган ваъдасини тасдиқ этмасликларидир. Ёки шунга ўхшаш бошқа бир сабаблардир.

Диний омонатларга хиёнат қилаётган кимсалар ёки уларнинг адо қилмаётганлар калбларида иймонлари заиф бўлган кишилардир.

Биз Аллохдан калбларимизни ўзининг тоатида жамлашлигини сўраймиз. Аллох таъоло Мусулмонларнинг калбларини ва калималарини бир қилсин! Уларни ҳақ йўлга чиройли суратда қайтарсин. Уларга ҳақни ҳақлигини кўрсатиб унга эргашишни, ботилни ботиллигини кўрсатиб, ундан узоклашишни насиб этсин!